

(Давом).

Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўрсатаётган фидокорона хизматлари ҳамда касб байрами муносабати билан ходимларга навбатдаги полковник махсус унвони берилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари кунига бағишланган байрам тантанаси пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида давом этди. ИИБ Намунавий-кўргазмали оркестри меҳмонларни байрам тантаналарига чорларди. Мухташам санъат саройига ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари ва нуфузли меҳмонлар бирин-кетин ташриф буюришди. Улар бир-бирларини касб байрами билан табриклашар, юзларида кувонч, дилларида фахр туйғуси шундоққина сезилиб турарди.

...Соат 11.00. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир, генерал-лейтенант Б. Матлюбов тантанали байрамни очик деб эълон қилди.

Генерал-лейтенант Б. Матлюбов йиғилганларни, ички ишлар идораларининг барча шахсий таркиби ва фахрийларини байрам билан муборакбод этар экан, жумладан шундай деди: Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, бугун биз мураккаб, шиддаткор замонда, ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Жамиятда кечаётган ўзгаришлардан, қонунчиликдаги янги-

ЮКСАК ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ



ликлардан бохабар, юксак ахлоқий фазилатларга, мустақил дунёқарашга эга ходимгина ўз зиммасидаги вазифаларни талаб

гича қиёфа касб этди. Фуқароларимиз осойишталик посбонларининг кундалик машаққатли ва масъулиятли фаолиятининг бе-

истаб ариза бераётган ёшларнинг сони борган сари кўпайиб бораётганлиги ҳам бундан далолат беради».

Вазир барчага мустаҳкам сират-саломатлик, бахт-саодат, хонадонига кут-барака тилар экан, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишдек сермашаққат фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимлар-

ширди. Шу билан бирга, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлаш борасида жойлардаги профилактика инспекторларига яқиндан кўмак бериб келаётган бир гуруҳ маҳалла фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоат тўзилмаси вакиллари эсдалик савгалари билан тақдирланди.

Шундан сўнг касб байрамига бағишланган концерт дастури бошланди. Шу кунини байрам тадбирига йиғилганлар республикамизнинг таниқли санъаткорлари ҳамда ИИБ Ашула ва рақс ансамбли, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳининг хушовоз хонандалари ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи, тинчлик ва осойишталикни улуғловчи дилрабо куй-қўшиқлар ҳамда таниқли кулгу усталарининг ичакузди хангомаларини тинглаб, мириқиб дам олишди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай фидойилик эътиборсиз қолмайди, балки элимиз, халқимиз томонидан эътироф этилаверади. Давлатимизнинг юксак мукофотини республика Ички ишлар вазир

қўлидан оташин олқишлар остида олган ҳамкасбларимиз чехрасида мамнунлик, кувонч, Ватан-



га бундан-да сидқидилдан хизмат қилиш иштиёқи балкиб турарди. Улар қалбларидан отилиб чиқаётган жўшқин ҳаяжонни куйидаги дил изҳорлари орқали билдиришга жазм этдилар:

— Камтарона хизматимизга юксак баҳо берилганлиги учун Юртимизнинг юксак мукофотини республика Ички ишлар вазир

касбларимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман, — дейди «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби, Фарғона вилояти ИИБ Тергов хизбонаси бошлиғи, подполковник Адҳам Эсанов. — Бу эътибор кучимизга куч, ғайратимизга янада ғайрат қўшади. Давлат мукофоти нафақат менга,

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ БЎЛМОҚДА

— Мустақил юртимизда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар замирида инсон манфаатлари ҳамда Ватан равнақи устуворлиги мужассам. Ана шу мавнода бир неча йилдирки, бошқа соҳалар қаторида республика Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётганлар меҳнатига ҳам давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ходимларга қўлай меҳнат шартининг яратилаётгани, барча хизматлар замонавий технология ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминлангани ҳамда 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами этиб белгилангани қалбларимизни руҳлантириб, ходимлар, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар ва нозирлар саломатлигини сақлаш ишларида янада изланишимизга, янада самарали ишларни амалга оширишимизга ундамоқда.

Хуёсан, жорий йилнинг ўзида поликлиникамиз жамоаси бир неча хасталиклар юзасидан изланишлар қилиб, қўтилган натижаларга эришди. Эндилдак мавсумий юкўчи касалликлар сони анча камайди. Вазирлик раҳбариятининг поликлиникамизга бераётган мадади ва кўрсатаётган ғамжўрлиги ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Шифокор ва ҳамширалар бундай қўлайликлардан миннатдорлар. Фурсатдан фойдаланиб, биз, шифокорларнинг хизматини юксак баҳолаб, «А'ло хизматлари учун» кўрак нишонига лойиқ кўрағилликлари учун барча раҳбарларимизга ташаккур айтаман.

Феруза ЗОКИРОВА,

ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғи, подполковник.



даражасида адо эта олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, тизимда олиб борилаётган ислохотлар туфайли эски қолиплардан воз кечилиб, бутунлай ян-

восита гувоҳи бўлиб турибдилар. Шунинг учун ҳам бу соҳага кизиқиш тобора кучаймоқда. Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига киришни

ни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқиб эшиттирилди. Вазир, генерал-лейтенант Б. Матлюбов гулдўрс қарсақлар остида Давлат мукофотига сазовор бўлган ходимларга фахрий унвон, орден ва медалларни топ-

ЯНА ҒАЙРАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

— Мана, бир неча йилдирки, 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари кунини сифатида муносиб тарзда нишонлаб келинмоқда. Бундан руҳланган ходимларимиз элу юрт осойишталиги йўлида масъулиятни янада чуқур ҳис қилган ҳолда хизмат қилишмоқда. Хизматда юқори натижага эришган ички ишлар ходимлари ҳукуматимиз ва ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб борилапти. Камтарона хизматларим юқори баҳолаб, «А'ло хизматлари учун» кўрак нишонини билан тақдирлаганликларини учун вазирлик раҳбариятига ўз миннатдорлигини билдираман.

Бу юксак эътироф ишжўатимизга-ишжўат қўшиб, янада самарали хизмат қилишга ундамоқда. Келгусида ҳам шахсий таркибнинг касбий маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш йўлида бор билим-тажрибамизни ишга солиб, янада ғайрат билан хизмат қиламан.

Нўмонжон ЮНУСОВ,

ИИБ ШТБХ бош инспектори, подполковник.



Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.
Суратларда: байрам шодийасидан лавҳалар.
А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ЁНГИНЛАРНИ ЖИЛОВЛАЙВЕРАМИЗ

Ёнгин хавфсизлиги хизматида 1995 йилдан бери ишлайман. Халқимизни ёнгин баласидан асрашга баҳол қудрат ҳисса қўшиб келиман. Менинг камтарона хизматларим II даражаси «Шон-шараф» ордени билан тақдирлангани нафақат мени, балки барча ҳамкасбларимнинг шарафли ишларига берилган юксак баҳодир. Бундан кейин ҳам ўз зиммамега юклатилган вазифаларни бажаришга бутун билим ва маҳоратимни ишга солиб, сидқидилдан хизмат қиламан.

Комилжон ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ
ҲЕХО бўлими командири, катта сержант.



ҚОНУНЧИЛИК — АСОСИЙ ВАЗИФА

Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, менга Бухоро вилояти ички ишлар идораларида хизмат қилишга йўланма беришди. Кўп ишлар терговчи бўлиб ишладим. Отам, халққа хизмат қилган кам бўлмади, дея кўп тикрорлайди. Мана, хизматларим мухтарам Президентимиз томонидан эътироф этилиб, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирландим. Юксак мукофот мени янада ғайрат билан хизмат қилиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бор куч-қувватимни сарфлашга ундайди.

Насриддин БАРОТОВ,
Навоий вилояти ИИБ
ШТБХ бошлиғи, подполковник.



ХАЛҚ ХИЗМАТИДАМИЗ

Мухтарам вазиримиз Б. Матлюбов ҳар доим таъкидлаганларидек, ички ишлар идоралари ходими — халқ хизматкоридир. Мен ҳам она халқим, азиз Ватаним хизматини қилиб шу даражага эришдим. Камтарин меҳнатим юксак баҳоланганидан беҳад хурсандман. Бунинг учун мухтарам Президентимиз ҳамда вазирлигимиз раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Бундан кейин ҳам бор куч ва ғайратимни элимиз осойишталиги йўлида сафарбар этаман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни байрам билан табриклайман. Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусоффо бўлсин.

Сейдирахит СЕЙДИНАСЕРОВ,
«Шўхрат» медали соҳиби,
республика ИИБ алоҳида қўриқлаш батальони милиционерни,
катта сержант.



Миннатдорлик

АСЛО КАМ БЎЛИШМАСИН!

Шу йилнинг 7 октябрь кунини тунда номаълум шахслар уйда ҳеч ким йўқлигида фойдаланиб Кўргонтепа шаҳридаги Пахтакор маҳалласида жойлашган уйимга кириб, у ердан қиймати 200 минг сўмлик «Нокия» русумли уяли телефон, 45 минг сўмлик DVD плеери ҳамда омондоронада турган нархи 150 минг сўмлик велосипедни ва бошқа буюмларни ўғирлаб, олиб чиқиб кетишган эди.

Ушбу ҳолат юзасидан Кўргонтепа тумани ИИБга мурожаат этдим. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тергов-суриштирув ишлари натижасида мазкур ўғирликни Кўргонтепа шаҳри Тошқўрган маҳалласида яшовчи М. Шукрило содир этгани аниқланиб, менга тегишли мол-мулк ўзимга қайтарилди.

Ўз халоватидан кечиби, изтиробларимга шерик бўлган Кўргонтепа тумани ИИБ раҳбариятига, шунингдек, профилактика инспектори, лейтенант Ҳусниддин Аҳмедов, тергов бўлими терговчиси, майор Нодирбек Содиқов ҳамда жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими маси тезкор вакили, катта лейтенант С. Бахромова оиламиз номидан самимий миннатдорлик билдираман. Эл-юрт осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатаётган азиз посбонларимиз асло кам бўлишмасин.

Шоҳида РАХМОНОВА,
Аниқжон аниқжон.



25 ОКТАБРЬ —
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ



